

ИЛИШИ	АКТИВИ	ЙИГИЛИШИ
қурилиш я-хўжалик и. Пиги Комитет наидият, Марна- вичи сек- очди.	Пигилишда республика қури- лиш министри Х. М. Носиров док- лад қилди. Пигилишда 1966 йил учун со- циалистик мажбурийат қабул қи- лянди.	қури- док-

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

«Ташсельмаш» заводи партия ташкилотининг ағитколлактини КПСС XXIII съезди Директиваларининг лойиҳасини кенг равишда тушуниришга киришди. Агитаторлар бу муҳим ҳужжатни ҳақ ва сменаларда ўқиб бермоқдалар.

Партия комитетининг секретари С. И. Рудков Эъёкистон Телеграф Агентлигининг муҳбирини бундай дедди: дастлабки баён қилинган фикрларнинг ўзидан ташкилотнинг ағитколлактини КПСС XXIII съезди Директиваларининг лойиҳасини кенг равишда тушуниришга киришди. Агитаторлар бу муҳим ҳужжатни ҳақ ва сменаларда ўқиб бермоқдалар.

Партия комитетининг секретари С. И. Рудков Эъёкистон Телеграф Агентлигининг муҳбирини бундай дедди: дастлабки баён қилинган фикрларнинг ўзидан ташкилотнинг ағитколлактини КПСС XXIII съезди Директиваларининг лойиҳасини кенг равишда тушуниришга киришди. Агитаторлар бу муҳим ҳужжатни ҳақ ва сменаларда ўқиб бермоқдалар.

Ремонтчилар ҳозиргина ТЭЗ тепловозини тўла ремонтдан чиқариб бўлди. Машина барча қисмларини синиб кўрди. Хаммаси соғ. Энди кабинага ўтириб олиш мумкин. Суратда: Тошкент тепловоз ремонт заводи ремонтчиларидан бир гуруҳларини кўриб турибиз. В. Моисеев фотоси.

УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИКДА САНОАТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ, УНИНГ ТЕХНИКАВИЙ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДАН, СТРУКТУРАСИНИ ЯХШИЛАШДАН, ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БУЛГАН МАҲСУЛОТНИ СИСТЕМАЛИ РАВИШДА ТЕЗ ЖОРИЙ ЭТИШДАН, СИФАТИНИ ОШИРИШДАН ИБОРАТ, ТОКИ ХАЛҚ ҲУЖАЛИГИНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ТАҒИН ҲАМ МУКАММАЛРОҚ ВОСИТАЛАР БИЛАН — СЕРУНУМ МАШИНАЛАР, АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА ПРИБОРЛАР, ЮҚОРИ СИФАТЛИ ХОМАШЕ ВА МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН, АҲОЛИ ЭСА — СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ УСИБ БОРАЕТГАН ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРУВИЧ ТУРЛИ-ТУМАН МОЛЛАР БИЛАН ТУЛАРОҚ ТАЪМИН ЭТИЛСИН.

(Беш йиллик план юзасидан КПСС XXIII съездининг директиваларидан).



ФАН ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

СЎЗ—ИТТИФОҚЧИ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ОЛИМЛАРИГА

ЭНГ МУҲИМ КАШФИЁТЛАР — ХАЛҚ ҲУЖАЛИГИГА

Республикамиздаги энергетик билимлар, — деди Латвия Фанлар академиясининг президенти К. К. Пляуде, — узоққа чидайдиган ва фойдаланиш учун қўлай бўлган контактни электр машиналар яратди ва шу машиналарга асосланиб, пассажир вагонларини электр қуввати билан таъминлаш системасини ишлаб чиқди. Бу система ҳозирги вақтда темир йўлларда жорий қилинмоқда. Химикларнинг муваффақиятларини ҳам қайта қилиб ўқиб бўлмайди. Улар ишлаб чиққан металллар зағлашга қодир кўраш методлари, юқори даражада сезгир реактивлар, бронзаларнинг ўрнини босадиган ёғоч пластинлар муҳим ақлий аҳамиятга эга. Ригадаги олимлар москвалилар билан биргаликда муҳим тадқиқотлар ўтказдилар. Бу тадқиқотлар химия соҳасининг янги тармоғи яратилишига имкон берди — фуфурол тайёрлашда қўлланиладиган дастлабки маҳсулотни химия хил оралик бирикмаларга — мономерлар, пластмассалар, заҳарли химикатлар ва дори-дармонларга айлантириш методи вужудга келди.

СУГОРИШ СИСТЕМАЛАРИ УЗОҚДАН ТУРИБ БОШҚАРИЛАДИ

Қирғизистон Фанлар академиясининг бош илмий секретари К. У. Отербеков ақоиб телеулаш қуралмаси тўғрисида сўзлаб берди. Бу қуралма ердаман, деб тушунирди олим, суғориш системаларини 150 километрга узоқ жойдан туриб бошқариш мумкин. Халқ ҳўжалигинида жорий қилиш учун академия тақдим этган асосий ишлар орасида сўрма рудаларини айланма печларда қайта ишлаш усулини тилга олиб ўтмай бўлмайди. Жанубий кон-металлургия комбинатининг заводида ўтказилган тақриб-сановат синовларининг кўрсатишича, бу ангилан рудадан сўрма ажратиб олишни икки баравар кўпайтириш имконини беради, қиммат турадиган реагентлар сарфлашни камайтиради.

КАТТА ЖИЖИҚУРТ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Катта Жижикўрт проблемалари — республика олимлари эътибор қилаётган асосий масалалардан биридир, деди Тожикистон Фанлар академиясининг президенти М. С. Осмонов, ҳозир Жижикўрт комбинатида симоб-сурьмалар рудаларини бойитишнинг янги схемасини сановат шартотида синиб кўриш ишлари бошланди. Бу схема фойдали қазилмалардан комплекс суратда фойдаланишни оширса керак. Мазкур кон учун олимлар томонидан тежамли флотореагентлар сифатида тақдим қилинган материаллар синовдан муваффақиятли ўтди. Академиямиз катта Жижикўртни лойиҳалаштириш учун маълумотлар тақдим қилди. Бу объект Тожикистондаги кон сановатининг энг йирик корхоналаридан бири бўлади.

АРМАНЕСТОНДА ХИМИЯ САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ереванда барпо қилинган мамлакатимиздаги энг йирик химиявий реактивлар заводи яқинда ўзининг биринчи туркум маҳсулотини ишлаб чиқаради. Бу уникал корхона маҳсулотлари рўйхатида, деб хабар қилди Арманестон Фанлар академиясининг вице-президенти М. Г. Нерсисян, минга яқин номдаги химикатлар қиради. Уларнинг қўлчили ҳозир мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган. Нозик органик химия институтининг тадқиқотлари мана шу ишлаб чиқариш ташкил қилиш учун замин бўлди. Бу институтда муваффақиятли суратда бажарилган ишлар химиявий тоза реактивларни синтез қилиш методларининг яратилишига сабаб бўлди.

УЗОҚ ШАРҚ БАЛИҚЛАРИ ҚОРАҚУМГА «СУЗИБ КЕЛДИ»

Туркменистон Фанлар академиясининг президенти П. А. Азимов республикамиз суз ҳавзаларида Узоқ Шарқ сулларида яшайдиган қимматли балиқ жинсларини иқлимлаштиришга қатъият билан беришмоқда, деди.

Олим шуни маълум қилдики, ҳозир Қорақум каналда, Тақан райони яқинида ўсимликхўр балиқларни ўрчитадиган мамлакатда энг йирик тақриб-намуна ҳужулки қурилиш тўғрисида деб қолди. Бу ерда ҳар йили Қў Амур ва Тўлстобик турларидан бўлган ўн миллионлаб майда балиқ олинади ва улар ҳавзаларга қўйиб юборилади. Бу туркменистонлик олимларнинг катта хизматидир.

ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ

Эстония Фанлар академияси конкрат истисодиёти вази-ларни ҳал қилишда математик методлардан фойдаланиш та-шаббўскори бўлиб чиқди, Академиянинг президенти И. Г. Эйхфельднинг хабар қилишича, кибернетик институтда за-монавий шаҳарни ривожлантириш истиқболларини белгилаб берадиган математик модель ишлаб чиқилган. Бу модель ҳар бир райони реконструкция қилиш ёки қуриб кенгайтириш-нинг перспектив планларини ишлаб чиқишда катта қўлағлик қратади.

РЕЗЕРВЛАРДАН ТўЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Қуйбўшев районида саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари анча кўп. Жаҳонга донги кетган кабелъ, химия саноатининг йирик корхона-ларидан бири Лак-бўёқ, пахтакор-ларимиз оғирини енгил қилаётган машиналар тайёрловчи «Ташсель-маш» заводлари ва бошқа корхона-лар шу ерга жойлашган.

4-қурилиш трести коллективни эса асосан район территориясида ли-ги объектлар уй-жойлар, қури-лишини олиб бораётган, бир неча автомобиль базалари, алоқа таш-килотлари мавжуд.

Бу корхона ва ташкилотларнинг қўлининг кишилиқ меҳнатқилар коллективлари СССР халқ ҳўжали-гини 1966—1970 йилларда ривож-лантириш беш йиллик плани юза-сидан КПСС XXIII съезди Дирек-тивалари лойиҳасини кўри қилиш-ва мамуният билан кўриб олди-лар. Ҳозир ҳамма ерда ана шу ҳўжжат муҳокамаси қилиниб бош-лашб кетди. Саноатчилар, бино-корлар, транспортчилар муҳома-давомида қўлга киритилган ютуқ-ларни қайта қилиш билан бирга, кўз қўйилган камчиликларни ҳам олиб ташламоқдалар ва уларни бартараф этиш йўллариини айтиш-моқда.

Ҳақиқатан ҳам фойдаланилма-ётган резервлар район завод-фа-рикалари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида тўлиб-тошиб ётиб-ди. Ленин уларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланилган, деб бўл-майди. Тўғри, етти йилликда қат-тор имкониятлар ишга солинди.

ТўҚҚИЗ МИЛЛИОН КИТОБ

Коллективимиз янги беш йил-лигини муваффақиятли бошла-ди. Утган етти йиллигини ҳам қувончи билан эсламоқда. 1965 йил давомида корхона-лар ўртасида бошланган со-циалистик мусобақаларда уч-мартта ғолиб чиқиди. Бунинг натижасида Эъёкистон ССР Ми-нистрлар Совети ва республи-ка касса соҳа комитетининг қўма қилиб байроғи ҳамда биринчи даражада пул муко-фоти билан тақдирланди. Бу муваффақият коллективимиз гаурафини тагин ҳам ошириб юборди.

Босмахона ишчилари, иже-нер-техник ҳодимлари янги йилнинг инъаво ойн топири-нинг 106 процент қилиб адо-этдилар. Бир қатор таъхидий-техникавий таъдирлар амалга оширилди. Рационализаторлар меҳнат унвдорлигини ошириш, кичиктолар сифатини яхшилаш бўйича янгиланган жорий йил-моқдалар. Г. Субхонов, Н. То-жибоев, Л. Қоптовец, Н. Сим-кова каби илгор ишчиларимиз ҳозирги кунда съезд шарофига бошланган мусобақага қўши-либ ақоиб ютуқларга эриш-моқдалар.

Бу йил ўз зимамизга фой-да улкан ва масъулиятли маж-бурият олганмиз. Йил давоми-да 9 миллионга яқин бадиий, илмий ва дарслик китобларини босиб чиқариш учун кураш бошладик. Бу мажбуриятни адо этиш учун ҳозир барча им-кониятлар ишга солинмоқда.

Х. ПИРМУҲАМЕДОВ,
1-босмахона инженери.

ЯНГИ ТРЕСТ

Республика қурилиш ми-нистрлиги пардозлаш ишларига лғола раҳбарлик қилишни на-зарда тутиб, яқинда пардозлаш трести ташкил этди. Янги трест 3, 4, 153 ва 159-қурилиш трестларидаги пардозлаш бош-қармалари асосида тузилди.

М. СУЛТОНОВ.

таклифи тушди. Уларни жорий қилишдан олинмаган фойда 2 миллион сўмликдан кўпроқни таш-кил этади.

Ленин райони саноатининг қўр-саткиларини камайтираётган, давлат планларини бажармаётган коллективлар ҳам йўқ эмас. 1-ғишт заводлари бошқармаси, 4-темир-бетон заводи ўтган йили топиришнинг бажармади. Айрим корхоналар маҳсулот турдари бўйича планининг бажарилишини таъмин этмади.

Айниқса, асосий фондлардан фойдаланиш қўнғилдайдик эмас. Утган етти йил давомида жуда кўп асбоб-ускуналар, қўшмача қувватлар ишга туширилди. Ле-нин улар тўла ишлатилмапти.

Район корхоналарида фойдала-нилмаган асбоб-ускуналар жуда кўп. У бир неча миллион сўм-лигини ташкил этади. Шу йилнинг феврал-март Тошкент кабелъ за-водида бекор ётган машина ме-ханизмларининг умумий нархи 700 минг сўмликдир. Эскаватор заво-дида ҳам шундай ўзгаришчилик-на йўл қўйилмоқда. Янги олинган агрегатлар ўз вақтида ўрнатил-майди. Ҳозир заводда 400 минг сўмликдан анёдрок қимматли, камбў асбоб-ускуналар бекор ёти-ди. Лак-бўёқ заводи раҳбарлари ҳам бу муҳим ишга етарли эъти-бор беришмапти.

Маҳсулот сифати ҳам давр та-лаблари даражасида эмас. Қатор корхоналарда жуда кўп буюмлар бракка чиқарилмоқда ёки сорти

ИЛҲОМ ВА МАҲОРАТ

(ҲАВАСКОРЛАР ШЕЪРЛАРИГА ОБЗОР)

бевнинг шеърлари қайноқ ҳисла-га тўлиқ. У жуда кўп маш қилади. Ленин шеърларининг бирида финр ўзини «...» еттишмаса, бошқасида «...» кўп қилиб бўлган «гай»ни ўқувчи бадиий таъсир орқали э-тиб беришмоқда. Яна бирида эса шеърининг энг оддий қондалари — турок, нази, қатор қонфига ҳам эътибор берилмапти. Унинг «Ел қў-шини», «Йиш тоғида», «Виллур тоғида» шеърларида ана шу на-мояналар кўзга ташланади. «Виллур тоғида»да автор яхшигина финр-нинг олға сургани, (Болалида билур тоғида)нинг гузаллиги учун севган зирек қаҳармон аёли уларни до-«он олтин» қони бўлганлиги учун аяллар ортиқроқ севди. Ленин ко-ғилларининг жулғили, бўқларнинг жүрғилини тўғрйлик шеърдаги ҳис-ва финрларни қўнғича етказиб бера олмапти.

Оқингаронлик ҳаваскор шoir А. Муҳоминнинг «Пахтакорнинг бахти бор», тошкентлик А. Бекмуродов-нинг «Пахтакор йигит», юқори чир-қилим М. Ҳайдаровнинг «Эъбекес-тон» шеърлари бир-биридан де-ярин фарқ қилмайди. Ҳаммасида

шафқат» гузаллар кишида меҳр уйғотмайди. Натижада шеърлар-дан бирининг оҳанги жуда паст, муғил, бошқаси эса аксинча тум-тарақ бўлиб қолади.

Ҳиссинг таъсир А. Журев («Бул-бул»), Р. Юнусалиев («Йа қайтди, сенга Москва»), Қ. Ҳасанов («Зу-рага ошнркан»), Х. Юнусова («Эй Навоий»), Т. Тўхтабоев («Шарқ на-васи»), «Меҳр», Х. Отанулов («Йилларим») каби ҳаваскорларнинг шеърларида ҳам учрайди.

Яхши шеърда лирик таассурот, ҳис шу қадар қарорат билан ена-дин, киши ўша шеърни неча бор ўқимасин, ҳаяжонга қўшаверади. Ленин бундай шеър ёзиш учун ҳаёт ўзгарилигини, унинг мураккаб ички сирларини қўнғич ҳис этиш ва бун-ин қўнғича етказиб олиш керак. Бу-нинг учун эса, талант, билим, меҳ-нат талаб қилинади.

Ватанининг бепоёнлиги, гузалли-ги ҳақида шеър ёзмаган ҳаваскор шoir йўқ. Ленин уларнинг шеърларида ана шу гузаллигининг ўзи сезилма-ди. К. Алимовнинг «Пойтахтим Тош-кент» шеърини шундай бошланади.

«Пойтахтим Тошкент! Сен сеҳрли шаҳар.

Мен сенга атаб ёзаман шеърлар. Кучингизга кўраб устлар минглаб, Олисдан келган суганд ешлар».

Шеърнинг давоми ҳам шундай фарқ қилмайди. Бундай шеър ўқу-чи қалбига етдиб беришмоқда. Ҳеч қандай лиғиллик берилади. Юқу-гонлик ҳаваскор шoir Х. Юнусов-нинг «Ойтоғ» шеърини ҳақида ҳам шу финрини айтиш мумкин.

Кейинги найлларда турткилар довуқи ешлар қўнғичмоқда. Шеър-ининг бу мураккаб бобид асар ёзиш анча мушкул. Неҳин иҳти-ям шаклда турки финр айтишининг ўзи оғир. Тезинда кўп турткилар кўнғич нахшхўр бўлиши аяллан-лолти. М. Қобилоннинг «Туртки-лар»и бунга мисол бўла олади. К. Муҳаммадзоновнинг «Армонларинг», «Кўрай» шеърлари, Р. Абдувалиев-нинг «Фарғанада» фалсафий умум-лашмалар йўқ.

Умуман, поэзияга қизиқмаган, умрида ҳеч бўлмаса ички бади шеър ёзмаган одам нам. Ленин шеъринида шундай ҳавас деб қар-атаган кишидан ижоддор чинмайди. Чиндан ҳам шoir бўлиш учун та-қаббатини ўзи еттишмайди. Ўқин-ганили, муттасил маш қилиш за-рур. Ички шеър қабз ва ақлнинг гузал маҳсулидир. Ҳаваскор шoir-лар шунинг унутмаслигини керак.



Тошкент чермушаси — Чилонзорнинг бағри ой сайин кенгайиб бормоқда. Суратда: 12-секторда қад кўтарган янги турар-жой бинолари.

И. Глауберзон ва В. Сироткин — фотоси.

Тўрли касб кишилари

МИЛИЦИЯ АЪЛОЧИСИ

Котмадан келган, хушёр ва сергак милиция старший сержант Икром Каримов йўл ўртасидаги оқ чизик устида юриб борарди. Ун — уч йилларки у мана шу кўчада, постда хушёр турди. Унга бириктирилган участкада кўнгилсиз ҳодиса рўй беришига йўл қўймайди. У кўча ҳаракати қондасини бузган шоферга ҳам, йўловчи-га ҳам қатъий ва талабчан.

Пушкин кўчаси пойтахтимизнинг серкатиов кўчаларидан бири ҳисобланади. Трамвай, троллейбус, автобус, машиналар тиним биймайди. Кўчалар тўтатган исий четига ўригилган светофорнинг ашиқ сарик қизил чироклари гал алмашиб ўчиб ёниб турипти. Транспорт ҳам шунга қараб ҳаракат қилапти. Бир зум Пушкин кўчасидан келатган транспортга йўл бекилади. Навбат — Жуковский кўчасидан транспортга. Шу пайт бирдан Пушкин кўчасидан енгил машина йўлни кесиб ўтиб кетди. Қаршидан келатган автобусга урилиб кетишига оғ қолди. Такси машиниси шофери И. Каримовнинг ҳушатиғи ҳам эшитмагандек, йўлда кетаверди. Ҳеч қисий йўқ. Кўча ҳаракати қондасини бузувчи жазосиз қолмади. Старший сержант ёнидан блокнотни олиб унга машина номери ва вақтни ёзиб қўйди. Ишдан қайтган, командирга рапорт ёзиб берди...

Икром Каримов Совет Армияси сафида хизматини ўтаб бўлган, милицияда ишлашга қарор қилди. У сон-саноксиз транспортлар ҳаракатини хушёрлик билан бошқармоқда, кўнгилсиз ҳодисаларга йўл қўймайди. Милиция аълочиси, узоқ йиллик хизматлари учун медаллар билан таъдирланган Икром Каримов кўча ҳаракатини тартибга келтирувчи дивизия бўлимида командирлар ўртасида ҳам, дўстлар даврасида ҳам ҳурмат қозонган. Касбга меҳр қўйган кишилар ҳамма ерда ана шундай иззат-ҳурматда.

Суратда: Икром Каримов.

Ш. УМУРЗОҚОВ.



Калинин районидagi Энгельс номи мактабининг ёш болболари илк баҳорни зўр қувонч билан кўтиб олмоқдалар. Улар мактабга қарашли боғ ва тоқордан ҳар йили баракали ҳўсл олиб келмоқдалар. Бу йил ҳам мана бу узумдан мўл ҳўсл олиш мақсадида ҳўзир даракларини меҳр билан парварши қилаётдилар. Суратда: мактабининг биология ўқитувчиси Ҳабиб Валиев ва 11-синф ўқувчиси Шоҳаюм Нисъматов ўртоқлар мевали даракларга шакл бермоқдалар.

Х. Хайитмухамедов фотоси, (ЎзТАФ фотохроникаси).

ШТАТСИЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БИОХИМИКЛАР
КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Куни кеча Тошкентда клиник биохимия бўйича иккинчи республика конференцияси бўлиб ўтди. Уч кун давом этган биохимиклар анжуменида 150 га яқин тема бўйича доклад қилинди.

— Айниқса, — дейди ташкилий комитет раиси профессор Александр Семенович Волонский, — профессор

лар К. Хожиев, Г. Коротко, олимлардан К. Юзак, И. Приев, М. Усмонов, Ю. Уразалиев ва бошқа ўртоқларнинг докладлари катта қизиқиш тугдирди.

А. КИМ.

АТЕИСТИК КЕЧА

Янгийўл район Свердлов қишлоқ советидagi илмий атеизм музейининг Зангиотдаги филиали иши диққатга сазовор.

Яқинда бу ерда илмий атеистик билимлар тарқатувчи республика жамаиятининг старший илмий ходими Вали Маҳаматов «Одамнинг пайдо бўлишида меҳнатнинг роли», Н. Тўлаганов «Муъизалар сирин», ўқитувчи Ж. Халилов «Фан ва дин» деган темаларда қизиқарли суҳбат ўтказдилар. Улар ўз суҳбатларини кўргазмалар, қўллар, конкрет мисоллар билан тушунтирдилар. 300 дан ортиқ киши иштирок этган бу кеча қишлоқ аҳолисида яхши тавсирот қолдирди.

Қ. СОБИРОВ.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Фан» нашриёти ўқувчиларга кундаги китобларини тандим этди: Олим Усмонов ва Ренат Доиёров. «Русча интернационал сўзлар илҳод лўтати». Тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 64 тишин.

Дўғатда рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар, шунингдек ўзбекча газет ва журналларда, илмий оммабоп, ижтимоий-сиёсий асарларда учрайдиган русча интернационал терминлар изоҳланади. Уларнинг келиб чиқиши ҳақида қисқача маълумот берилди. Шу лиҳатдан китоб «Энциклопедия» характердаги янги лўтат ҳисобланади. Бу лўтат нег ўқувчилар оmmasи мўлжалланган.

Б. Аҳмедов, «Ўзгўбон». Тиражи 15.000, баҳоси 6 тишин. Китобда буюн ўзбек олими ва матрифатпарвар Мирзо Улўғбекнинг ҳаёти, кўнқиралди илмий филолати ва яшаган даври ҳақида ҳикоя қилинади. Брошюра Ўрта Осиё халқларининг қадимий маданияти, илм-фани билан қизиқувчи барча китобхонларга яхши совгадир.

Б. Аҳмедов, «Хондамир», Тиражи 15.000, баҳоси 9 тишин. Хондамир машҳур тарихчи ва ўз даврининг бирин арбобидир. Унинг бой ва сермазун илмий мероси ҳақиқатининг узоқ ўтмишидаги тарихи ва маданиятининг ўрғанишида катта ердам беради. Шарҳ қўлэмалари ва олимнинг ўз асарлари асосида ёзилган бу китоб Хондамирнинг ҳаёти ва илмий илоди ҳақида ҳикоя қилади.

Брошюрга Хондамирнинг «Хулосат ўз — ахбор» ва «Маъориф ул — ахлоқ» асарларидан ларчалар илова қилинган.

«Хуршидой», (Ўзбек халқ достонлари сериясида). Достонни Мухаммадиул Ҳомрот ўғли Пўдан тилидан Ходи Зарип ёзиб олган ва нашрга тайёрлаган. Китоб 60.000 нускада бооилиб чиққан, баҳоси 13 тишин.

ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ

Пойтахтимизда меҳмон бўлиб турган Озарбайжон ва абхазиялик саяхаткорлар фақат Тошкентда эмас, районларга ҳам кўп томошабинларни мамнуи ўтиштирди. Бу икки эстрада ансамбли программасида миллий кўшмалар ва рақслар, шунингдек совет ва чет эл кўшмалари ҳам кўриштирилди. Расмларда (юқоридан пастрга) Абхазистон АССР халқ артисти Вероника Гавашели, мимика устаси Георгий Гавашели, Озарбайжон эстрадалар устаслари Нотонан Сидрола ва Михаил Ваннишин, Н. Меламед чизган расмлар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

15 февралда СССР Ташқи ишлар министрлигида Лаос маасалси бўйича 1961 — 1962 йиллардаги Женева кенгаши ҳамраисларининг мазкур кенгаш қатнашчилари бўлган мамлакатларга қаратилган қўшма макутубининг совет лойиҳаси Англия ҳукуматига топиширич учун Буюк Британиянинг Москвадаги ваколатхонасининг мааслахатчиси — элчи Т. Бримелсга топирилади.

Мантубда, жумладан, ҳамраислар Лаос маасалси бўйича Женева кенгаши қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг эътиборини шу нарсатга қаратиш таклиф қилинади, Лаосдаги кузатиш ва назорат қилиш халқаро комиссияси баъзан Женева битимининг қондаларига мувофиқ ҳаракат қилмаёттир, шундай ҳоллар ҳам бўлдики, комиссиянинг докладлари бир-бирига тузилди ва Полыда вакилининг иштирокисиз қабул

СУКАРНОГА
ТЕЛЕГРАММА

БЕРЛИН. (ТАСС). Халқаро демократик хотин-қизлар Федерациясининг секретариати Индонезия президентини Сукарнога телеграмма юбориб, демократик ташкилотларини ва шу жумладан Индонезиядаги энг катта хотин-қизлар ташкилоти — Герванини таъриб қилиш кампаниясини тўхтатиш учун имони бўлган ҳамма чораларни қўйишни илтимос қилди.

нилинди. Халқаро назорат комиссияси ўз функцияларини Лаос маасалси бўйича 1962 йилги Женева битимларига катталик мувофиқ равишда ҳамда Лаоснинг коалицион қороллик ҳукумати составига кирувчи уччала сиёсий кучлар билан

келишиб бажармоғи керак. Бу комиссиянинг энг муҳими маасаллар юзасидан чиқариладиган ҳулосалари ва ҳамраисларга юбориладиган тавсияномалари комиссиянинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши шарт.

СОВЕТ ЁЗУВЧИЛАРИ МАРОКАШДА

РАБОТ. ТАСС мухбири Н. Филатов хабар беради: Совет Ёзувчилар союзининг танқидчи В. Г. Махавариани (Грузия ССР), ўзбек шоири Рама Бобонов ва шарҳинос — таъкидчи Р. М. Алиевлардан иборат делегацияси 11 февралдан 25 февралга қадар Марокашда бўлди. Делегация аъзолари Марокашда икки ҳафта бўлган вақтлариди мамлакат бўйлаб сафар қилдилар. Работ, Фес, Танжер, Касабланка ва бошқа шаҳарларда бўлдилар. Марокаш ёзувчилари ва шоирлари билан, маданият, фан ва санъат арбоблари билан учрашдилар ва суҳбатлашдилар.

Делегация аъзолари ҳозирги совет адабиёти ва маданияти тўғрисида Работ ва Фес шаҳарларида докладлар қилдилар ва лекциялар ўқидилар. Работдаги маданият — артистлар уюшмасида Совет Иттифоқидagi мусулмонларнинг ҳаёти тўғрисида лекция ўқиди. Марокаш телевидениеси орқали берилган эшиттиришда делегациянинг барча аъзолари телеомошабинларга совет адабиёти ва маданиятининг ривожланиш йўллари ҳақида гапириб беришди. Мамлакатдаги энг йи

рик касба союзуларидан бири — Марокаш меҳнат иттифоқига кирувчи Работ касба союзу бирлашмасининг таклифи биноан делегация аъзолари ана шу касба союзу аъзолари билан, ишчи ва хизматчилар билан учрашдилар. Делегация аъзолари уларга Ўзбекистон, Озарбайжон ва Грузия Совет Социалистик Республикалари адабиёти қайси йўллар билан ривожланганини сўзлаб бердилар.

Совет ёзувчилари делегацияси аъзоларининг учрашув ва суҳбатлари катта муваффақият билан ўтди. Марокаш ёзувчилари ва шоирлари, маданият, фан ва санъат арбоблари совет адабиётига, Совет Иттифоқидagi адабиёти ва ҳозирги замон араб маданияти билан адабиёт ўрғанилаётганига гоёт қизиқиб қарадилар.

Совет ёзувчилари делегацияси қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида Марокаш ёзувчилари, шоирлари, маданият журналистлар ҳўзир бўлишди. Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди. Совет ёзувчилари делегацияси Ватанга жўнаб кетди.

ГАНАДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА

ЛОНДОН. (ТАСС). Рейтер агентлигини мухбирининг Аккрадан берган хабарига кўра, Ганада ҳарбий тўнтариш натижа-сида тузилган Миллий озодлик кенгаши президентнинг ҳали ҳам янги тузумга қаршилик кўрсатишни давом эттираётган шахсий соқчиларидан таслим бўлишни талаб этган. Гана радиоси орқали эшиттирилган ультиматумда кенгаш шун билдирганики, агар президентнинг шахсий соқчилари 26 февраль пешинига қадар қўролларини ташламасалар, уларга қарши яна бошқа тегишли чоралар қўрилади, радио яна шунини эшиттирдик, президентнинг шахсий қўриқчилари янги тузум то

монига ўтган армия қисмлари ва полицияга қаршилик кўрсатишни давом эттириб, ахёи-ахёида отишиб турибдилар. Мухбир яна шунини маълум қиладики, Гана пойтахти қўшинлар билан тўлиб тошган, аммо Аккрада ҳаёт нормал изга тушмоқда.

ЖИНОЯТНИНГ ИЗИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Мисрда чиқадиган «Алиса» газетасида ўзининг биринчи сарҳисасида бооиб чиқарган мақоласида Ганада давлат тўнтариш қилиш учун Англия билан Қўшма Штатлар ҳарбийлари нигта солди, деган ҳулосатга келди. Давлат тўнтаришининг қатнашчилари, деб ёзди газетда, америкалик ва европалик мухтаасеелар раҳбарлигида таълим олган кишилардир.

Жазо отряди тор-мор қилинди

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам информатсия агентлиги хабар беради: Жанубий Вьетнам озодлик армиясининг жангчилари Бенче виллоятида жазо операциялар ўтказган қўғирчоқ

ҳукумат қўшинларининг катта отрядини 4 кунлик шиддатли жанг вақтида тор-мор қилдилар. 3 кунлик қишлоқ махусе отряднинг артиллерия, олтинш та самолёт ва 10 артиллерия катери мадади билан 14 февралда бошлаган жазо операцияси тула барбод бўлди. Душманининг 600 солдати ўлдирилди ва ярадор қилинди, шу жумладан Америка солдاتларидан етти киши ўлдирилди.

Қонраг қишлоғи учун олиб борилган жангнинг ўзидангина Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 290 жазоловчини қириб ташладилар. Бенче шаҳри яқинида эса улар душманининг транспорт кемасини гарқ қилдилар. Шу кемада қўғирчоқ ҳукумат қўшинларининг текинётган 250 солдат ва офицер бор эди.

Аянчли оқибатлар

ПАРИЖ. Американинг атом бомбардимончи «В-52» самолёти Испания соҳилларида ҳалокатга учраганилиги натижасида Альмерия виллояти аҳолиси билан қишлоқ ҳўжаллиғига 23 миллион пшесдан ортиқ элчи егди, деб тахмин қилинмоқда. 175 гектар ердаги помидор ва

дукнакли экинларнинг кўп қисми нобуд бўлди. Ҳукумат маъмури яна 250 гектар ердаги қишлоқ ҳўжаллик экинлари ҳам атом радиацияси билан шикастланган бўлмаса ахши эди, деб хавфсизроқдалар. (ТАСС).

ПОЛИЦИЯ ТАШВИШГА ТУШИБ ҚОЛДИ

ПАРИЖ. 27 февраль кечаси Париж ва унинг атрофларида полиция ҳеч қачон бўлмаган катта миқёсда операция ўтказди. Полиция ва жангдорлариянинг Франция пойтахтига олиб борувчи ҳамма йўллари қўйиб қўйилган кучли нарядлари Парижга бораётган ва Париждан келатган 24 тадан ортиқ машинани текшириб қўрди. Айни вақтда икки хавфсизлик қўшинларининг махусе бў

линалари шаҳарда кенг кўламда тинтув ўтказиб, тунги ишратхоналар ва шўбхали ишлари билан ном чиқарган бошқа муассасаларини синчиқлаб «тинчиқлаб» қўрди. Расмий хабарларда айтилишича, пойтахт ва унинг атрофларида жиноятчилик кўпайиб кетганилиги сабабли ана шу операцияни ўтказиш зарур бўлиб қолган. (ТАСС).



ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» МАЙДОНГА ТУШДИ

Ўтган шанба кунин пахтакорчилар янги масвумда биринчи ўртоқлик учрашувини ўтказдилар. Тошкентлик футболчилар Анди-жонда Вильямсининг «Жалғири» бомаидаси билан куч синишдилар. Бу матчи кўргани келган ишқибозларни «Спартак» стадиони трибунаси ўз байрига ситдира олмади. Ҳар иккала команда ўйинчилари ҳали спорт формасига тула кириб олган бўлишига қарамай ишқибозлар матдан қонқирш ҳўсл қилдилар. Ўйин «Пахтакор» фойдасига 2:1 ҳисобида тугади.

Руминиянинг «Петролул» футболчилари «қишқи турнир»нинг биринчи ўйинини Самарқандда Москванинг «Спартак» командаси билан ўтказдилар. Меҳмонлар 0:2 ҳисобида ютқанишди. Тўларини Ослиян ва Бок (ўз дарвозасига) киритди.

Мамлакат биринчилиги учун «Б» классиди қатнашадиган командалар ҳам масвум олди ўртоқлик учрашувларини ўтказмоқдалар. Свердлов номи колхоз командаси ўз майдониди Олмаликнинг «Металлург» футболчиларини қабул қилди. Қишлоқ спортчилари «рақиблар» дарвозасига учта жавобсиз тўп киритдилар.

Бугун футбол ишқибозлари «Полиототел» колхоз стадионига боришлари мумкин. Бу ерда Куйбисhevнинг «Крылья Советов» футболчилари билан Руминиянинг «Петролул» командаси ўртасида «қишқи турнир»нинг навбатдаги ўйини бўлади.

Ўртадан кейин 3 мартда эса марказий «Пахтакор» стадиониди «Пахтакор» — «Петролул» ўртасида турнирнинг галдаги матчи бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 МАРТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлар, 18.20 — Қўшн бизнинг дўстимиз (мактаб ўқувчилари учун), 18.50 — Оғалар нзи (ҳўжжати филми), 19.10 — Қўрла ўринга кинокамера (телеочер), 19.30 — Ўзбекистон санъат усталари.

Рус тилида: 20.35 — Тошкент — тинчилик шаҳри (ҳўжжати филми), 21.00 — Телевизион янгиликлар, 21.15 — Минутининг юзидан

бир улуши (илмий-оммабоп филми), 21.35 — Ҳақиқат учун кураш номи бадний филмининг 1-серияси, филмдан сўнг — Эртаги кун программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.05 — Аялдолар эстафетаси (мактаб ўқувчилари учун), 18.30 — Тошкент янгиликлари, 18.40 — Қониб ил, ер (ҳўжжати филми), 19.00 — Баҳор эшик коиди, 19.20 — «Аврора» матраслари (ҳўжжати филми), 19.30 — Иван Рибанов (фильм-спектакль).

Ўзбек тилида: 21.05 — Тошкент

янгиликлари, 21.15 — Исон ва чўл (телефилми), 21.35 — Район секретари (бадний филми).

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/II да Аида, 2/II да Маисарининг иши.

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/II да Қотил, 2/II да Мирзо Улуғбек.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 1, 2/II неч соат 7 ярымда Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезидида бағишланган Катта байрам кон.

цертлари. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Фахриддин Умаров, Қўндаз Мирна, Римова ва сонатлар қатнашди. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 1, 2, 3, 4, 5, 6/II неч соат 7 ярымда Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезидида бағишланган Катта байрам концерти. Ўзбекистон ССР ва Туркия, Ўзбекистон ССР халқ артисти Номильжон Отанбёзов қўғирлиги ва иштирокида Хоразм ансамблининг солистлари қатнашди. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Анатолий Фурманов гастроллари (иллюзион аттракцион), РСФСРда хизмат кўрсатган артист Влади-мир Довенко раҳбарлигида акробатлар гуруҳи ва бошқа номерлар. Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биланшах нашрийтининг боомахонаси. Тошкент шаҳри.

Р 00163.
ИНДЕКС 64969
Г-1063.